

**ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА  
ТАЪСИРИ****Сулетбаева Элла***амалиётчи психолог***Өтееева Гулзада Муратбаевна***Чимбой тумани, 1-сонли мактаб психологи*

Оила қуришда турмуш тарзини таъминлаш, болалар тарбияси, уларни ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрлаш каби мақсадлар кўзланади. Оилани бундай ижтимоий вазифаси жамият учун ҳам, эр – хотин учун ҳам жуда муҳимдир. “Инсонни ўрганиб баҳтли қилиб бўлмайди, аммо уни шундай тарбиялаш керакки, у баҳтли бўлсин” деган еди. А.С. Макаренко.

Тарбия бир умр давом этадиган жараёндир. Инсон ёшлигидаги ҳам, камолот чоғида доимо бошқалардан, хаёт сабоқларидан кўп нарса ўрганади, ибрат олади, янги хуносалар қиласди. “Ота-она фарзанд тарбиясида ўз дунёқараси, тасаввурлари ва тушунишлари орасида қолиб кетмасликлари лозим. Шуни унумаслик керакки, ота-оналар кечаги кунда тарбия топган кишилардир. Уларнинг тасаввурлари, тушунчалари, эътиқодлари, аҳлоқ, одоби ҳам ўша даврларнинг имконияти ва еҳтиёжлари асосида шаклланган. Фарзандлар эса бугунги дунёга келадиган ва келажакдаги янги шароитларда яшаб фаолият кўрсатадилар” (5. Б. 5-8). Халқимизда шундай бир ҳикмат бор. Бир болани тарбиялаш бир давлатни бошқаришдан ҳам мушкулдир. Шундай экан фарзанд туғилиши билан унга берилган биричи вазифа унга қўйилган исмдир.

Ёшларни ота билан бирга онани жуда ҳурмат қилишга, унданаган буюк шахслардан бири Алишер Навоийдир. У ўз асарларида “болани ёшлиқдан камол топтиришда ота-онанинг ролига алоҳида эътибор берган. Фарзандни тўғри тарбиялаш вояга етказиш, ёмонлик ва ёлғондан асраш, болани хулқ-атворини назорат қилиш бу ота-онанинг олий вазифасидир” деб таъкидлаган.

Шу ўринда бу буюк мутафаккир Юсуф Хос Хожиб меросига мурожаат этсак, унинг оилавий тарбия тизимиға оид аҳлоқий қарашларини асосини фарзанд тарбияси ташкил қиласди. Шундай экан оила энг маҳфий жамоадир. Бола ўзининг яширин фикрларини аввало ота-онасига ҳусусан онасига билдиради. Оиладаги ўзаро муносабатлар ғоят нозик ва қалтис ишдир. Чунки у жамиятнинг қариндошлиқ ришталари билан жипсланган дастлабки ячейкасига дахлдордир. У ерда оила ичидаги ўзаро муносабатлар амалга ошади, ота-онанинг тарбиявий вазифалари белгиланади. Болаларда ижобий таъсир кўрсатиш учун шароит вужудга келади.

Тарбия жараёнида оиланинг тарбияси катта аҳамиятга эга. Катталарнинг кўрсатмалари ва хаттихаракатлари аввало катта авлоднинг ишлари, болалар тарбиясига у ёки бу томондан бевосита ёки билвосита таъсир этади.

Тараққиётнинг ҳар бир босқичида тарбия масаласи, зиёли, маърифатпарвар, илғор фикрли кишилар ва жамоатчиликнинг диққат марказида мунтазам муҳокамасида бўлган.

Тарбия масаласининг тақдири эса, жамият аъзолари томонидан ана шу таъсирнинг салбий ёки ижобий жиҳатлари нақадар англаб етилганига ва уларга нисбатан ижтимоий иммунитетнинг нечоғлик шаклланганига боғлиқ.

Оилавий тарбияда муҳим аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омилларни билмок лозим. Объектив омилларга оиланинг моддий фаровонлиги, даромадларнинг турлари, ўзига хослиги ва савияси, уй-жой билаи таъминланиш даражаси, мактабгача муассасалардан фойдаланиш, шунингдек, оила аозоларининг сони, таркиби ва бошқаларни киритиш мумкин.

Оилавий тарбиянинг муракаблиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни намён қилади. Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон – бир тавсиялар бериш нокулай ва қийинdir. Ота – оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услугуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, мукофатлаш, жазолаш, суҳбат ва ҳикоя, фикр алмашиш билангина эмас, балки шахсий намуналари, болалари билан биргаликда ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар.

Бугуннинг долзарб муаммоларидан бири бу аҳолининг энг нозик ижтимоий қатлами бўлган аёллар ва болалардир.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа вақт ичida хотин-қизларнинг ҳуқуқи, оиладаги роли, оналик ва болалик, билим олиши, меҳнат билан бандлиги масалалари бўйича қатор тадбирлар белгиланди ва амалга оширилди.

Она ва чақалоқ бир-бирини дилдан ҳис этиши натижасида улар ўртасида меҳр-муҳаббатга йўғрилган сўзсиз мулоқот кечади. Ундан кейинги даврларда ҳам онанинг ёш гўдак онги ва хиссиёти оламига таъсирикучайиб бораверади. Она сути билан кирган моддий ва маънавий ҳамнафаслик, жумладан, алланинг таъсири натижасида бола қалбига илк меҳр уруғлари экилади.

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлиги, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркаамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Фозиев Э.Ф. У мумий психология. Т. Ўқитувчи. 2013 й.
2. Фозиев Э.Ф. Психология методологияси. Т.: “Универтитети”. 2002 й.
3. Абдусаметов А.И. Диншунослик асослари Т.,1995
4. Нажмиддин КуброТасаввуфий хаёт Т.,2004 й

5. “Оила маънавият булоғи” Т.: 2003 й.
6. М.Файзиева Оила психологияси Қарши- 2021.